

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 4 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 4

LAWYER HERALD

VOLUME 1, ISSUE 4



TOSHKENT-2024

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1. АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович

“МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
СОҲАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ 8

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

2. ШАДИЕВА Сайёра Арифовна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОЛЕВОГО ЖИЛИЩНОГО
СТРОИТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 16

3. РАХМОНКУЛОВА Нилуфар Ходжи-Акбаровна

ЧЕТ ЭЛ ЭЛЕМЕНТИ БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН НИКОҲЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШДА ШАХСИЙ
ҚОНУННИ ҚЎЛЛАШ ОҚИБАТЛАРИ 23

4. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиярович

ДВУСТОРОННИЕ ИНВЕСТИЦИОННЫЕ СОГЛАШЕНИЯ: СУЩНОСТЬ И РОЛЬ В
РЕГУЛИРОВАНИИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ОТНОШЕНИЙ 31

5. БОРОТОВ Алишер Хомидович

ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР 42

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

6. АБДУЛЛАЕВА Дилфуза

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ТЎЛИҚСИЗ ИШ ВАҚТИ:
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА 50

7. ХАМРАҚУЛОВ Шавкатжон Салимович

ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ
ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУБРОГАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ 58

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

8. ПРИМОВ Обиджон Мусирманович

КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ВА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ 66

9. ЭШНАЗАРОВ Меҳриддин Жўраевич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 72

10. БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ ВА УНИНГ УЧУН ЖИНОЙ
ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ 78

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

11. УМАРХОНОВ Азизхон Шарипхонович ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САБАБЛАРИ, АСОСЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ.....	88
--	----

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

12. РАХМАНОВ Шухрат Наимович МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОНЯТИЯ «МЕЖДУНАРОДНАЯ МИГРАЦИЯ».....	95
13. ГАНИБАЕВА Шахноза ПОВЕСТКА ДНЯ В ОБЛАСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ НА ПЕРИОД ДО 2030 ГОДА: НОВЫЕ ВЫЗОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ И НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ ДЕТЕЙ В МИРЕ...	102
14. СОДИКОВ Акмал Шавкат ўғли ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ.....	109
15. МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР (ДИАСПОРА) БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ ТАҲЛИЛИ	117
16. ШАРАПОВ Шухрат Шокирович ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ГЛОБАЛ КОНВЕНЦИОНАЛ АСОСЛАР	127
17. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна, ТОШМАТОВА Висолахон МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПРАВ ПОЖИЛЫХ.....	135
18. ВАКНРАМОВА Mokhinur Bakhramovna TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF DIGITAL HUMAN RIGHTS	144
19. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович КЛАССИФИКАЦИЯ ИСТОЧНИКОВ МЕЖДУНАРОДНОГО ВОДНОГО ПРАВА	151

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ШАРАПОВ Шухрат Шокирович

Бухоро давлат университети Юридик бўлим бошлиғи

ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ГЛОБАЛ КОНВЕНЦИОНАЛ АСОСЛАР

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ШАРАПОВ Ш.Ш. Таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишни кафолатлайдиган глобал конвенционал асослар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2024) Б. 127-134.

 1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-1-16>

АННОТАЦИЯ

Мақолада таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишни таъминлашнинг халқаро конвенционал механизми умумий таҳлил қилинади. Ҳуқуқ нормаларини амалга оширишнинг конвенционал механизми - бу “нормаларни амалга ошириш, уларнинг ишлаши ва қўлланилишининг халқаро-ҳуқуқий воситалари мажмуи”дир. У ҳуқуқни қўллаш нормаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, назорат ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ўз ичига олади. Қуйида ушбу элементларнинг ҳар бирини кўриб чиқилган.

Адабиётларда тадқиқотчилар томонидан “имплементация” тушунчасининг турли хил таърифлари келтирилган бўлиб мақолада шулардан иқтибослар келтирилган.

Дастлабки меъёрлар яратишнинг асосий қисми “юмшоқ ҳуқуқ” деб аталадиган қоидалардан таркиб топади. ЮНЕСКО резолюциялари ва тавсиялари, Болония жараёнининг деярли барча ҳужжатлари ва минтақавий интеграция бирлашмаларининг ягона таълим маконини яратишга қаратилган бошқа ҳужжатларини мисол келтириш мумкин. Мақолада “юмшоқ” ҳуқуқ деб аталадиган қоидалар ҳар тарафлама тўлиқ ўрганилиб, уларнинг қаттиқ ҳуқуқдан кўра самаралироқ бўлиши мумкин ёритилган.

Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш атамасининг тушунчаси батафсил очиб берилади. Ҳуқуқни қўллаш нормаларини ишлаб чиқиш, назорат фаолияти натижалари, ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: конвенция, инсон ҳуқуқлари, таълим, таълим олиш ҳуқуқи, ҳуқуқни қўллаш, юмшоқ ҳуқуқ.

SHARAPOV Shukhrat

Head of the Legal department of Bukhara State University

E-mail: mr.sharapov@gmail.com

GLOBAL CONVENTIONAL FRAMEWORK GUARANTEEING THE REALIZATION OF THE
RIGHT TO EDUCATION

ANNOTATION

The article provides a general analysis of the international convention mechanism for ensuring the realization of the right to education. The conventional mechanism for the implementation of legal norms is “a set of international legal instruments for the implementation of norms, their operation and application.” It includes the development of law enforcement standards, as well as control and law enforcement activities. Let’s look at each of these elements below.

Various definitions of the concept of “implementation” are given by researchers in the literature, and quotes from them are given in the article.

The bulk of the initial rulemaking consists of so-called “soft law” provisions. Examples include UNESCO resolutions and recommendations, almost all documents of the Bologna process, and other documents of regional integration associations aimed at creating a single educational space. The article examines so-called “soft” rights from all sides and explains how they can be more effective than hard law.

The concept of the term compulsory execution is also explained in detail. The development of law enforcement norms, the results of control activities, and the application of legal norms are considered.

Keywords: convention, human rights, education, right to education, application of law, soft law.

ШАРАПОВ Шухрат Шокирович

Начальник Юридического отдела
Бухарского государственного университета

**ГЛОБАЛЬНЫЕ КОНВЕНЦИОННЫЕ ОСНОВЫ, ГАРАНТИРУЮЩИЕ РЕАЛИЗАЦИЮ
ПРАВА НА ОБРАЗОВАНИЕ**

АННОТАЦИЯ

В статье дан общий анализ международного конвенционного механизма обеспечения реализации права на образование. Конвенционный механизм реализации правовых норм представляет собой «совокупность международно-правовых инструментов для реализации норм, их действия и применения». Оно включает в себя разработку правоприменительных норм, а также контрольно-правоохранительную деятельность. В статье рассмотрен каждый из этих элементов. Различные определения понятия «реализация» даются исследователями в учебной литературе, и цитаты из них приводятся в статье.

Основную часть первоначального нормотворчества составляют положения, так называемого «мягкого права». Примерами могут служить резолюции и рекомендации ЮНЕСКО, практически все документы Болонского процесса, а также документы региональных интеграционных объединений, направленные на создание единого образовательного пространства. В статье рассматривается так называемое «мягкое право» со всех сторон и объясняется, чем они могут быть эффективнее “жесткого права”.

Также подробно разъясняется понятие термина “принудительное исполнение”. Рассмотрены развитие правоприменительных норм, результаты контрольной деятельности, и применение правовых норм, гарантирующие реализацию права на образование.

Ключевые слова: конвенция, права человека, образование, право на образование, применение права, мягкое право, жесткое право.

Амалга ошириб бўлмайдиган ҳуқуқўлик ва маъносиздир. Доктринада имплементация ва ҳуқуни қўллаш масалалари узоқ вақт давомида ишлаб чиқилган. “Амалга киритиш”, “амалга ошириш”, “қўллаш” атамаларини ишлатиш бўйича турли позициялар мавжуд.

Ушбу мақолада мен таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишнинг халқаро конвенционал механизмларини ёритмоқчиман.

Адабиётларда тадқиқотчилар томонидан “имплементация” тушунчасининг турли хил таърифлари келтирилади.

Х.Т. Одилқориевнинг тарифларига кўра ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи амалиётида халқаро ҳуқуқ тизими қоидаларини давлат ички ҳуқуқида амалга ошириш жараёни (ёки халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий ҳуқуқ тизимларида қўллаш) халқаро ҳуқуқ нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши ёки “ҳуқуқни амалга оширишни” англатувчи “имплементация” атамаси билан белгилаш қабул қилинган [1, Б.36].

А.Х.Саидов имплементацияга халқаро ҳуқуқий нормаларни асл ҳолида ички ҳуқуққа татбиқ қилиш, киритиш, амалга ошириш сифатида тариф берганлар [2, Б.300].

Қуйида имплементация атамасига нисбатан тўлиқ тариф берилганини келтираман. “Халқаро ҳуқуқ нормаларининг имплементацияси - бу давлатларнинг халқаро ҳуқуққа мувофиқ ўз мажбуриятларини ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўлиқ бажариш мақсадида яқка тартибда, биргаликда ёки халқаро ташкилотлар доирасида амалга оширадиган мақсадли ташкилий-ҳуқуқий фаолиятидир”.

Ҳуқуқни қўллаш давлат ва бошқа субъектларнинг амалий фаолиятида ҳуқуқнинг тимсолидир, ҳуқуқни қўллаш иккита фаолиятни ўз ичига олади: ижтимоий аҳамиятга эга натижага эришиш учун реал фаолиятни йўналтириш ва реал фаолиятни ҳуқуқий ва ташкилий таъминлаш. “Ҳуқуқни қўллаш” деганда биз кўпинча субъектив ҳуқуқни амалга оширишни назарда тутамиз, лекин таълим олиш ҳуқуқида, кўпинча бўлгани каби, маълум шарт-шароитларни яратмасдан туриб, яъни, давлатнинг саъй-ҳаракатларисиз субъектив ҳуқуқни амалга ошириш мумкин эмас. Ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш субъектив ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур шартдир. Терминларда чалкашликларга йўл қўймаслик учун давлатларнинг шахсининг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятига эга бўлишини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари ҳақида гапирганда субъектив ҳуқуқ, яъни ҳуқуқнинг амалга оширилишини таъминлаш иборасини ишлатамиз.

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим бўйича универсал халқаро ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида шуни айтиш мумкинки, халқаро нормаларни ишлаб чиқиш жараёнида БМТнинг асосий ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эга [3, Б.73].

Таълим олиш ҳуқуқи қандай амалга оширилишини тушуниш учун ушбу ҳуқуққа тегишли халқаро ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш механизмни ўрганиш керак.

1969 йилдаги Шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 6-моддаси халқаро мажбуриятларни ихтиёрий бажариш тамойилини тартибга солади. (pacta sunt servanda) Унинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат: “Ҳар бир амалдаги шартнома унинг иштирокчилари учун мажбурийдир ва улар томонидан виждонан бажарилиши керак”.

Таълим олиш ҳуқуқига оид нормаларни амалга ошириш механизмни ўрганиб биз, олимлар томонидан таклиф қилинган ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш механизмнинг умумий схемасидан фойдаланамиз.

Ҳуқуқ нормаларини амалга оширишнинг конвенционал механизми - бу “нормаларни амалга ошириш, уларнинг ишлаши ва қўлланилишининг халқаро-ҳуқуқий воситалари мажмуи” дир. У ҳуқуқни қўллаш нормаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, назорат ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ўз ичига олади. Қуйида ушбу элементларнинг ҳар бирини кўриб чиқамиз.

Баъзи тадқиқотчилар юмшоқ ҳуқуқ нормаларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор беришади, лекин, айримлари ўз изланишларида юмшоқ ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш механизмни кўриб чиқадилар. Шунинг учун қуйида биз амалга ошириш механизмнинг элементларини бир бутун сифатида кўриб чиқамиз ва керак бўлганда, юмшоқ ҳуқуқ билан боғлиқ хусусиятларни ажратамиз.

1. Ҳуқуқни қўллаш нормаларини ишлаб чиқиш

Дастлабки қоидалар ишлаб чиқиш

Умумжаҳон даражада дастлабки қоидалар унчалик кўп эмас. 1989 йилги Техник

ва касб-хунар таълими тўғрисидаги конвенция қоидаларини дастлабки нормалар тоифасига киритиш мумкин.

Барча универсал актлар ичида ушбу конвенция таълим ва таълим муносабатларига оид энг кўп сонли масалаларни қамраб олади ва шу билан бирга, унинг формуллари жуда умумлаштирилган ва аниқликни талаб қилади. Конвенцияни таҳлил қилганда, унинг қоидаларини амалга ошириш бўйича конвенцияда кўзда тутилган бошқа чоратadbирлар қаторида мутахассислар алоҳида соҳа сифатида давлатлар ҳамкорлигини ажратиб кўрсатадилар, унинг мақсади конвенция қоидаларини аниқлаштиришдан иборат бўлади.

Таълим олиш ҳуқуқига оид кўплаб дастлабки қоидалар икки томонлама шартномаларда мавжуд. Икки давлат ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги деярли барча шартномаларда “ҳамкорликка ёрдам беради”, “ҳамкорликни ташкил этиш учун барча чораларни кўради” ва шунга ўхшаш жумлалар қўлланилиб, аниқ мажбуриятлар белгиланмаган.

Келажакда давлатлар ҳақиқатан ҳам таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш ниятида бўлса, ушбу шартномалар бандларини аниқлаштириш мақсадида таълим соҳасида ҳамкорлик дастурларини қабул қилади. Ёки тўғридан-тўғри таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги алоҳида келишувлар яқинлашиш йўлидаги аниқ қадамларни назарда тутади.

Дастлабки меъёрлар яратишнинг асосий қисми “юмшоқ ҳуқуқ” деб аталадиган қоидалардан таркиб топади. ЮНЕСКО резолюциялари ва тавсиялари, Болония жараёнининг деярли барча ҳужжатлари ва минтақавий интеграция бирлашмаларининг ягона таълим маконини яратишга қаратилган бошқа ҳужжатларини мисол келтириш мумкин.

“Юмшоқ ҳуқуқ” нима эканлиги ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Юмшоқ ҳуқуқни “ҳалқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ва нормаларига зид бўлмаган, ҳуқуқий мажбуриятларни ўз ичига олган ва халқаро ташкилотларнинг тавсия ҳужжатларида ва давлатларнинг сиёсий ҳужжатларида мустаҳкамланган юридик жиҳатдан мажбурий бўлмаган халқаро нормалар тўплами”- деб аташ мумкин.

Бошқа таққиқотчилар юмшоқ ҳуқуқнинг торроқ таърифидан фойдаланишни таклиф қилади: “ҳалқаро юмшоқ ҳуқуқ - Бу халқаро ташкилотлар ва уларнинг органлари, ҳукуматлараро конференциялар қарорларида мужассамланган хулқ-атворнинг “моделлари”, “стандартлари” ни ўз ичига олган халқаро ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий бўлмаган (тавсия этувчи) нормалар тўпламидир”.

Атоқли олимимиз академик А.Х.Саидов таърифларига кўра Халқаро “юмшоқ” ҳуқуқ атамаси иккита ҳар хил ҳолатни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, халқаро “юмшоқ” ҳуқуқ аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлами юзага келтирмайдиган, фақатгина умумий йўналиш берадиган ва айни чоғда бу йўналишга субъектлар амал қилиши мажбурий бўлган халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида туридир. Бундай нормалар учун “эришиш”, “интилиш”, “зарурий чоралар кўриш” ва бошқа шу сингари сўзлар хосдир. Улар, айниқса сиёсий шартномаларда тобора кўпайиб бормоқда. Иккинчидан, халқаро “юмшоқ” ҳуқуқ ноҳуқуқий халқаро нормаларга нисбатан ишлатилади. Улар ноҳуқуқий ҳужжатларда - халқаро ташкилотлар резолюцияларида, қўшма баёнотларда, коммюникеларда мавжуд бўлади. Халқаро “юмшоқ” ҳуқуқнинг ана шу ҳар иккала тури ҳам томонлар ўз зиммаларига аниқ мажбуриятлар олишга тайёр бўлмаган, айниқса тартибга солиш зарурати борасида ўзаро тушуниш мавжуд бўлган, аммо буни қандай кўринишда амалга ошириш номаълум бўлиб турган ҳолларда қўлланилади. Масалан, 1948-йили жаҳон ҳамжамияти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ўзининг инсон ҳуқуқлари муаммоларига тааллуқли умумий қарашларини баён этган бўлса, 1966-йилда Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги иккита пакт нормаларида Умумжаҳон декларацияси ғояларини муайянлаштириш имкони туғилди [4, Б.21].

Х.Т. Одилқориевнинг фикрларича Халқаро оммавий ҳуқуқ доктринаси ва амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, “юмшоқ ҳуқуқ” (Софт Лав) атамаси иккита

турли хил ҳодисани номлаш учун ишлатилади. Биринчи ҳолатда гап халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида кўриниши тўғрисида борса, бошқасида эса ўзга – ноҳуқуқий халқаро нормалар тўғрисида боради [1]. Назарийтчилар шунингдек медиация жараёнини ҳам “юмшоқ ҳуқуқ” элеменларидан деб аташади.

Менинг фикримча, юмшоқ ҳуқуқ чегараларини “ювиб ташламаслик” учун уни ҳаддан ташқари чеклаш мумкин. Юмшоқ ҳуқуқ нормалари ҳуқуқий жиҳатдан кўра кўпроқ ахлоқий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Уларнинг аҳамияти халқаро ҳуқуқий тартибга солишнинг янги соҳаларида айниқса катта бўлиб, таълим соҳаси “ёш” соҳалардан ҳисобланади, унинг атрофида меъёрлар мажмуасини шакллантириш фақат XX асрнинг иккинчи ярмида бошланган. Юмшоқ ҳуқуқ нормалари жуда муҳим вазифани бажаради ва дастлабки ҳуқуқгача бўлган тартибга солишни таъминлайди ва ҳуқуққа йўл очади.

Ушбу ҳолат айниқса таълим соҳасига тўғри келади, бу соҳада давлатлар учун умумий позиция ва аниқ “қаттиқ” нормаларни қабул қилиш бўйича келишувни ишлаб чиқиш жуда қийин. Бундан ташқари, таълим соҳасида дастлабки “юмшоқ” нормаларнинг аниқланиши кўпинча бошқа “юмшоқ” нормалар ҳисобига содир бўлади. Қанчалик ғалати туюлмасин ушбу нормалар таълим олиш ҳуқуқини янада самарали амалга оширишга ва таълим соҳасидаги жараёнларни интеграцияни фаоллаштиришга ёрдам беради. Қандай қилиб “юмшоқ” меъёрлар қаттиқдан кўра самаралироқ бўлиши мумкин? Бироқ, бу ерда биз ҳақиқат ва гўзаллик ўртасидаги қарама-қаршиликка ўшатишимиз мумкин.

Давлатлар ҳақиқат учун курашаётган пайтда - яъни қайси меъёрлар ҳамма учун мажбурий бўлиши учун “қатъий” белгиланиши кераклиги тортишилаётган вақтда, “юмшоқ” ҳуқуқ ҳал қилинмаган масалалардаги бўшлиқларни нозик тарзда ўстиради ва кемтикларни ямайди. Давлатлар бунга қарши чиқмайдилар ва кўпинча улар босим остида рози бўлмаган ҳолатларга ихтиёрий равишда рози бўлишади.

“Юмшоқ ҳуқуқ”ни нафақат меъёрлар йиғиндиси, балки маънавий-сиёсий тартибга солиш воситаси сифатида ҳам кўришимиз керак, бизнингча, у фақат халқаро органлар ва ташкилотларнинг тавсия ҳужжатлари билан чекланмай шунингдек, давлатлар қўшма баёноتلари ва коммуникеларини ҳам ўз ичига олади. Менимча “Юмшоқ ҳуқуқ”нинг таркиби ва ҳуқуқий амалга ошириш жиҳатлари энг муҳим ҳисобланади. Юмшоқ ҳуқуқ кўп жиҳатдан унинг нормалари қандай шаклда ва қайси манбада ифодаланганлигига эмас, балки кўпроқ давлатларнинг уларни амалга оширишга ҳаракат қилишига боғлиқ. Умуман олганда, биз ҳуқуқий воқеликнинг у ёки бу ҳодисаси “юмшоқ ҳуқуқ” эканлигини фақат фактдан кейин аниқлашимиз мумкин. Агар давлатлар маълум келишувни амалга ошириш учун катта саъй-ҳаракатлар қилсалар, унда бу келишув “юмшоқ ҳуқуқ”, яъни. қатъий белгиланган мажбуриятнинг йўқлигига қарамай, давлатларни маълум бир тарзда ҳаракат қилишга мажбур қиладиган мажбурий куч даражасига эга. Агар ҳеч қандай ҳаракат қилинмаса, унда ҳеч қандай ҳуқуқ йўқ, фақат ноаниқ ниятлар ёки хушмуомалалик ифодалари ёки ҳаракатлар билан ҳеч қандай тарзда қўллаб-қувватланмайдиган бошқа сўзлар мавжуд.

Таълим масалаларини тартибга солувчи ҳужжатларга қайтадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, Европа олий таълим муассасаларининг “Келажакни шакллантириш” Саламанка конвенцияси ҳам, Болония жараёнини ривожлантириш бўйича Гётебург декларацияси ҳам анъанавий равишда адабиётларда Болония жараёнининг манбалари сифатида киритилган. Таълим соҳасида нуфузли, аммо қудратли бўлмаган субъектлар: олий ўқув юртлари, шунингдек, таълим муносабатлари субъектлари - талабалар ва ўқитувчилар ёки уларнинг бирлашмалари томонидан қабул қилинган актларни “юмшоқ ҳуқуқ” нормаларига киритиш мумкин деб ҳисоблайман. Бу қисман таълим муносабатлари ривожланишининг тарихий шароити ва Европа университетлари тарихан эга бўлган кенг автономия билан боғлиқ. Бироқ, эслатиб ўтилган ҳужжатлар учун энг муҳими шундаки, уларнинг қоидалари Европада олий таълимга масъул вазирларнинг Прага йиғилишининг коммюникесига эътиборга олинган. Яъни, давлатлар Европа таълим маконини шакллантиришда уларни ҳисобга олиш ва уларни амалга оширишга саъй-

ҳаракатларни йўналтириш зарур, деб ҳисоблайди.

Конкретлаштирувчи норма ижодкорлиги

Таълим соҳасида бирламчи ва конкретлаштирувчи меъёрларни ажратиб кўрсатиш унчалик осон эмас, чунки бу занжирни Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 13-моддасидан кенгайтирадиган бўлсак, универсал даражада қабул қилинган қолган конвенциялар унга нисбатан конкретлаштирувчи меъёрлар ҳисобланиши мумкин. Бошқа томондан, ушбу конвенцияларнинг ҳар бири бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланиши давом этмоқда. Шундай қилиб, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияда, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда ва Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда таълим олиш ҳуқуқига оид моддалар мустақамланган қоидаларнинг конкретлаштирувчи нормалари ҳисобланади. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда, шу билан бирга, Таълим соҳасида дискриминацияга қарши конвенциянинг айрим қоидалари Ирқий камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ва Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга нисбатан конкретлаштирувчи нормалардир. ЮНЕСКОнинг олий таълим курслари ва сертификатларини тан олиш, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари мақоми тўғрисидаги тавсияларини Техник ва касб-ҳунар таълими тўғрисидаги конвенцияни конкретлаштирувчи актлар деб ҳисоблаш мумкин.

Таълим соҳасини минтақавий тартибга солишни кўриб чиқсак, биз олий таълим учун умумий макон яратишга қаратилган кўплаб халқаро шартномаларда жуда ноаниқ матнлар мавжуд бўлиб, уларда ҳатто асосий таърифлар ҳам мавжуд эмаслигини кузатишимиз мумкин. Айниқса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида қабул қилинган ҳужжатларда ушбу ҳолат кўзга ташланади. Конкретлаштириш ва талқин қилиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир, конкретлаштиришни талқинсиз тасаввур қилиб бўлмайди, талқин кўпинча конкретлаштиришга айланади. Бу муносабатлар айниқса Европа минтақасининг ҳуқуқий ҳужжатларини таҳлил қилишда яққол намоён бўлади. Бу ерда конкретлаштириш талқин билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, асосан Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан ҳуқуқни қўллаш жараёнида амалга оширилади.

2. Назорат фаолияти натижалари

Назорат фаолияти ҳақиқий ҳолатларни аниқлашга ва уларни халқаро ҳуқуқ талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳолашга қаратилган бўлиб, ахборотни тўплаш ва баҳолашга асосланади.

Айрим назариётчилар юмшоқ ҳуқуқ меъёрларига нисбатан “халқаро назорат” тушунчасидан фойдаланишнинг жоизлиги масаласини кўтаради. Бошқаларининг таърифига кўра, халқаро назорат “замонавий халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва нормаларига, халқаро ҳуқуқ субъектлари ёки улар томонидан яратилган органларнинг фаолиятига асосланган бўлиб, у давлатлар томонидан халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни бажаришини ёки бажариш чораларини кўришини текширишдан иборат бўлади.

Шунингдек адабиётларда юмшоқ ҳуқуққа нисбатан назорат тушунчаси ўрнига мониторинг тушунчасини қўллаш таклифлари мавжуд, бироқ бизнингча, тушунчанинг бундай торайиши ўринли эмас. Умуман олганда халқаро назоратнинг иккита ёндашуви мавжуд: тор ва кенг.

Кўплаб халқаро ҳуқуқшунослар тор ёндашувга риоя қилишларига эътибор қаратади, унга кўра халқаро назорат шартнома бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш ҳисобланади.

Адабиётларда халқаро назорат ва мониторингнинг аниқ чегараланиши мавжуд эмас ва шартномаларда мониторинг кўпинча назоратнинг бир қисми, унинг процессуал босқичларидан бири сифатида белгиланади ва муайян атамани ишлатишга эътибор қаратишнинг ҳожати йўқ, шунинг учун бундан кейин биз барча актларни қаттиқлигидан қатъий назар амалга ошириш механизмида назорат тушунчаси билан ишлаймиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) 1946 йил 12 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг А/РЕС/57(И) 156 резолюцияси билан ташкил этилган бўлиб, баъзи назорат функцияларига эга. ЮНИСЕФ ходимлари турли мамлакатлардаги таълим тизимининг ҳолати тўғрисида маълумот тўплайди ва натижада давлатларни мавжуд муаммоларга ишора қилиш учун мўлжалланган материалларни нашр этади [4]. Таълим соҳасида ахборот тўплаш ва баҳолаш биринчи навбатда БМТнинг таълим олиш ҳуқуқи бўйича махсус маърузачиси томонидан амалга оширилади.

Ва агар махсус маърузачи институтининг ўзи институционал механизмга тегишли бўлса ва кейинчалик муҳокама қилинадиган бўлса, у томонидан тайёрланган ҳисоботларни мониторинг фаолияти натижаларига аниқ боғлаш мумкин. Унда турли мамлакатлардаги таълим соҳасининг ҳолати тўғрисида катта ҳажмдаги маълумотлар қайта ишланади ва кейинчалик улар ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун ишлатилади.

Шу билан бирга, таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш механизмидаги назоратни самарали деб бўлмайди. Афсуски, БМТнинг таълим олиш ҳуқуқи бўйича махсус маърузачисининг маърузалари фақат БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ҳисобга олинади. Ва улар маърузаларда келтирилган хулосаларни қабул қилишга мойил бўлмаган давлатларга, агар бирон сабабга кўра уларни қониқтирмаса, ҳал қилувчи таъсир кўрсатмайди.

3. Ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши

Илмий адабиётларда “ҳуқуқни қўллаш” тушунчасидан фойдаланиш бўйича турли позициялар мавжуд. Ҳуқуқни қўллашни амалга ошириш усуллари билан боғлиқдир ва уни ҳуқуқ нормаларини “бажариш”, “ижро этиш”, “фойдаланиш” тушунчалари билан бир қаторга қўйиш мумкин.

Шу билан бирга, ушбу тушунчанинг “тор” ёки “махсус” маъносини ҳам келтирилади, унга кўра “қонунни қўллаш унинг ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки қонунга оид низолар юзага келганда унинг мажбурий бажарилишидир”.

Айрим назариётчиларнинг таъкидлашича, айнан шу маънода “халқаро ҳуқуқни қўллаш” Халқаро Суд Статутининг 38-моддасида назарда тутилган ва халқаро ташкилотлар ва уларнинг институтлари амалиётида ҳам қўлланилади. Таълим олиш ҳуқуқига оид нормаларни амалга ошириш механизми контекстида биз тор маънода қўллашни кўриб чиқамиз яъни, ҳуқуқ у ёки бу тарзда бузилган тақдирда.

Таълим олиш ҳуқуқи бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширувчи органлар кўп эмас ва уларнинг амалиёти ҳам унчалик кенг эмас.

Умумжаҳон миқёсдаги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг факултатив баённомасига мувофиқ ташкил этилган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита мавжуд бўлиб, у жисмоний шахсларнинг белгиланган ҳуқуқларининг бузилиши тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш ваколатига эга. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва қўмита ушбу ҳуқуқларнинг қўпол ёки мунтазам равишда бузилишини текшириши мумкин. Маълумотларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, у фақат томонларга “тақдим этилган маълумотларга ўз нуқтаи назарини тавсиялари орқали” тақдим этиши мумкин ва давлатдан ушбу ҳолат бўйича кўрилган чоралар тўғрисида қўшимча маълумот тақдим этишни таклиф қилиши мумкин. Бугунги кунга қадар, айниқса, бузилган таълим ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича Қўмитанинг барқарор амалиёти мавжуд, чунки Қўмита индивидуал хабарларни кўриб чиқиш ваколатини олганига 10 йил бўлди. (Пактнинг Факултатив баённомаси 05.05.2013) Ҳозирги кунга қадар Қўмита у ёки бу тарзда таълим олиш ҳуқуқига оид кўплаб хабарларни кўриб чиқди:

Шахсий шикоятлар бўйича қўмита қарашлари иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш бўйича инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмлар томонидан ҳам, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга аъзо давлатлар томонидан ҳам миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва ички ҳимоя воситаларининг самарадорлигини ошириш учун концептуал жиҳатдан талабга эга бўлади. Таълим олиш ҳуқуқи бўйича амалиёт кенгайиб борар экан, бундай таъсирни

кузатиш мумкин бўлади.

Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича кўмита ҳам таълим олиш ҳуқуқининг бузилишига оид кўплаб аризаларни кўриб чиқмоқда. Кўмита “иштирокчи-давлат томонидан шахсни Конвенция бузилиши хавфига дуч келиши мумкин бўлган юрисдикцияга чиқариб юбориши, баъзи ҳолларда, чиқариб юборган давлатнинг жавобгарлигини келтириб чиқариши мумкин”, деб ҳисоблайди ва шунинг учун ушбу таълимни қўллайди. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг ҳудуддан ташқари таъсири Ирқий камситишларга барҳам бериш кўмитаси томонидан таълим олиш ҳуқуқи бўйича муружаатлар кўриб чиқилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита томонидан кўриб чиқилган ишларга алоҳида эътибор берилиши керак, унинг ваколатига Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг бузилиши тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш киради. Таълим олиш ҳуқуқи Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда кўзда тутилганига қарамай, Инсон ҳуқуқлари кўмитасининг амалиёти таълим олиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар ўртасидаги узвий боғлиқликни кўрсатади.

Хусусан, Кўмита давлатда таълим тизимини ташкил этишнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда кўзда тутилган ҳуқуқларга, шу жумладан фикр, виждон ва дин эркинлига ҳуқуқини амалга ошириш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, жамоат ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқи, эркин ва адолатли сайловларда иштирок этиш ҳуқуқларига таъсирини таъкидланган юзлаб хабарларни кўриб чиқмоқда.

Иқтибослар/Сноски/ References

1. Ҳозирги замон халқаро оммавий ҳуқуқи, Х.Т. Одилқориев Б.Э. Очилов, Тошкент давлат юридик институти, 2007 йил, 36-бет.
2. Xalqaro ommaviy huquq, darslik/A.X.Saidov va boshqalar. T. TDYU nashriyoti, 2023-yil. 300-bet.
3. Characteristics of international human rights education treaties of universal international organizations. Safarova Shahlo Pulatovna. Вестник науки и образования № 20(74). Часть 2. 2019.С.73.
4. И.И. Лукашук, А.Х. Саидов Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари, Тошкент 2007 йил, 21-бет.
5. URL: <https://www.unicef.org/reports/unicef-annual-report-2022> // <http://juris.ohchr.org/ru/search/results>.